**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
ЎзР ССВ Тошкент фармацевтика
институти ректори, т.ф.д.
К.С. Ризаев
________________
«_____» ____________ 2020 йил

# 15.00.03 - «ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ДАСТУРИ

**Тошкент – 2020**

**Тузувчилар:**

Ш.З.Умарова - Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси мудири, фарм.ф.н., профессор

Х. С. Зайнутдинов - Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармацевтик технология кафедраси профессори, фарм.ф.д.

**Тақризчилар:**

Ш.Ф. Искандарова - Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармацевтик технология кафедра мудири. проф. фарм.ф.д

А.А. Ашуров - Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти директори фарм.ф.н.

Фармацевтика ишини ташкил этиш кафедрасининг 2020 йил “ 28 ” август №1 - сонли мажлисида тасдиқланган.

15.00.03 - «Фармацевтика ишини ташкил этиш» ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кирувчилар учун тузилган ушбу дастур институт кенгашида мухокама этилган ва тасдиқланган

Баённома №1 29.09.2020й

# Кириш

Дастурда фармацевтика ишини ташкил қилиш яъни, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарнинг тузилиши, ундаги бўлимлар ишини ва жойларини ташкил қилиш, дорихона ассортиментини шакллантириш, дори воситалири ва препаратлар ҳисобини олиб бориш усули ва услубларини дорихонада лаборатирия қадоқлаш ишларини, назорат аналитик лаборатирия, омбохона ва бошқа фармацевтика ташкилотларини ташкил қилиш ва фаолиятини олиб бориш ишларини ўрганиш кўзда тутилган.

Дорихона иқтисодиёти бўлими-талабларига турли хил мулкчилик шаклидаги дорихоналарда таъминотчилардан қабул қилинган ва сотилган товар-моддий бойликларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузиш, дорихоналарда нарх белгилаш асосларини; дорихона харажатлари ва даромадини ҳисоби, дорихонанинг моддий, товар меҳнат ва молиявий ресурсларини иқтисодий таҳлили ва режалаштиришни ўрганиш кўзда тутилган.

Фармацевтика ташкилотларида бошқарув тизими мутахассислик фани бўйича билим савияси эса мутахассисларимизнинг Бошқарув асослари, маркетинг тадқиқот усуллари, фармакоиқтисодий таҳлил усуллари соғлиқни сақлаш иқтисодиёти соҳасида оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ҳар хил даражалари: индивидуал бемор даражасидан тортиб вилоят ва республика даражаларига қадар тадқиқотлар ўтказиш бўйича билим ва кўникмаларининг мукаммаллигига боғлиқ. Шу билан бирга, фармация факультети фармацевтика иши, фармацевтик таҳлил, клиник фармация ва касбий таълим йўналишлари учун мўлжалланган Фармацевтика бошқарув асослари мутахассислик фани ушбу билимларни шакллантиришни кўзда тутади.

## «Фармацевтика ишини ташкил этиш» ихтисослиги бўйича фанлари мазмуни

| № | Фан номи | Фан мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Фармацевтика ишини ташкил қилиш | Фармацевтика ишини ташкил қилиш фани, предмети ва вазифалари.<br>Ўзбекистон Республикасида фармацевтика тизимининг ҳолати. Фармацевтика фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши.<br>ЎзРда дорихона фаолиятини ташкил қилиш. Дорихона турлари. Дорихонанинг асосий вазифалари. Дорихонани лойихалаштиришда қандай хоналар бўлишига эътибор берилади? Дорихоналардаги санитария холатига белгиланган талаблар. Дорихона шахобчалари, уларнинг вазифалари.<br>ЎзРда фармацевтика фаолиятининг лицензияланадиган турлари. Лицензия талаблари ва шартлари. Фармацевтик фаолият учун лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби<br>Дори воситаларининг рецептсиз савдосини ташкил қилиш. Рецептсиз дори воситаларининг савдоси, жиҳозланиши, санитария ҳамда техник меъёрларга мос бўлиши.<br>Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш ва улар асосида дори воситаларини бериш. Рецептларни экспертиза қилиш.<br>Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш ва беморларга бериш ишларини ташкил қилиш.<br>Даволаш профилактика муассасаси дорихонасининг ишини ташкил қилишнинг ўзига хослиги, шифохона дорихонасининг вазифалари.<br>Фармацевтика хизматининг назорат рухсатнома тизими. Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, унинг таркиби, асосий вазифалари, бўлимлари.<br>Ахоли ва согликни сақлаш муассасаларининг дори воситаларига бўлган эхтиёжи, эхтиёж тушунчаси, турлари ва эхтиёжни режалаштириш усуллари.<br>Дори воситалари ва тиббиёт буюмларнинг улгуржи савдосини ташкил қилиш, дорихона омборхоналари ишини ташкил қилишни ва улардан мол-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш тартиблари.<br>Фармацевтика бошқаруви тизимида ахлоқ ва деонтологія. Фармацевт вам беморларнинг ўзаро муносабатлари учун белгиланган деонтологик талаблар. Меҳнат жамолари, расмий ва норасмий |

| | | |
|---|---|---|
| | | тузилма. Дорихона жамоасининг ижтимоий - руҳий муҳити. |
| 2 | Фармацевтика иктисодиёти асослари | Бозор иқтисодиёти шароитида фармацевтика сохаси. Ўзбекистон Республикасида амалдаги асосий иқтисодий қонунлар ва иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш усуллари ва услублари. Дорихона хўжалигини бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш.<br>Дорихона муассасасининг савдо хажми. Савдо ҳажмини тахлил қилиш ва истиқболини белгилаш.<br>Дори воситаларининг нархлари, нарх турлари. Дори воситалари нархларининг шаклланиши, нархларга таъсир этувчи омиллар.<br>Дорихонада товар ғамламаларининг гуруҳланиши, ғамламаларни баҳолаш, меъёрлаштириш.<br>Дорихона ҳаражатларининг таркиби, истиқболини аниқлашнинг ўзига хослиги ва усуллари.<br>Дорихона фойдаси кўрсаткичи, уни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш. Дорихона бизнес режасини тузиш.<br>Дорихонада молия-хўжалик фаолиятининг ҳисоби. Келтирилган товарларни ҳисобга олиш, сарфи ва йўқотишларни ҳисоби.<br>Фармацевтик ташкилотларнинг хўжалик маблағлари.Асосий воситалар, уларнинг таснифланиши, ҳаракатини хисобга олиш. Номоддий активлар, уларнинг таркиби ва ҳисоби.<br>Пул маблағлари хисоби. Касса операциялари ва уларнинг турлари. Ҳисоб-китоб жараёнлари, уларнинг турлари, ҳисобини юритиш.<br>Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, иш ҳақининг шакллари. Иш ҳақидан ажратма ва тўловлар ҳисоби.<br>Давлат тасарруфидаги ва акциядорлик жамиятлари дорихоналарининг хисоботлари. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари. Ойлик ҳисобот, унинг таркиби. Ҳисобот хужжатларини расмийлаштириш тартиби.<br>Бухгалтерия баланси турлари, унинг тузилиши, мазмуни, баланс моддалари. Информацион технологияларга асосланган бухгалтерия ҳисоби шакли.<br>Товар - моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисобларининг инвентаризацияси. Инвен-таризация ўтказиш тартиби. Инвентаризацияда аниқланган фарқни тартибга солиш ва инвентаризация натижаларини расмийлаштириш тартиби.<br>Дорихона муассасалари фаолиятини белгиловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлар, уларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш Дорихона молиявий хўжалик фаолиятининг таҳлили. Иқтисодий таҳлил усуллари, босқичлари. Дорихона молиявий хўжалик фаолиятини |

| | | |
|---|---|---|
| | | белгиловчи кўрсаткичларни иктисодий таҳлил қилишнинг аҳамияти.<br>Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими, солиққа тортилишнинг асосий негизлари. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш асослари. Солиқ турлари ва функциялари. Солиқ солинадиган объектлар. Солиқ меъёрлари, ставкалари ва имтиёзлари. Давлат ва маҳалий солиқлар.<br>Ўзбекистон Республикаси банк тизими, операциялари, жорий ва депозит счетлар. |
| 3 | Фармацевтикада бошқарув асослари | Фармацевтика тизимини бошқаришда бошқариш асослари. Асосий тушунчалари. Раҳбарлик услублари. Бошқариш усуллари. Бошқарув қарорлари. Бошқарувнинг асосий ва специфик функциялари.<br>Кадрлар бошқаруви асослари. Фармацевт кадрларнинг таснифланиши. Корхонанинг ташкилий тузилмаси. Кадрларни баҳолаш. Фармацевтика ташкилотларида ходимларни бошқариш.<br>Меҳнат қонунчилиги бўйича асосий маълумотлар. Меҳнат шартномаси, ходимни ишга қабул қилиш, дастлабки синов муддати билан ишга олиш, меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартириш, вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш. Меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат интизоми.<br>Фармацевтик ташкилотларни бошқаришда хужжатлаштириш. Ҳужжатлар таснифи. Ҳужжатларни муассасадаги ҳаракатини ташкил қилиш. Ҳужжатларни мазмунига кўра гуруҳларга бўлиб ҳисобини, бажарилишини ва сақланишини ташкил этиш. Ҳужжатларни экспертиза қилиш, сақлаш ва уларни йўқ қилиш.<br>Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш, дори воситаларини қалбакилаш-тиришнинг олдини олиш. Дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси, таъсир этувчи омиллар, қалбаки дори воситаларининг таснифи.<br>Тиббий ва фармацевтик махсулотни сертифи-катлаштириш тизими ва уни ўтказиш тартиби. Сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари. Мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш тартиби.<br>Фармацевтик ташкилотлар фаолиятининг назорати. Фармацевтик назорат турлари. Назоратнинг мақсади ва муддатлари. Фармацевтик назорат бўлими, унинг вазифалари.<br>Фармацевтикада тадбиркорлик ва бизнес. Тадбиркорликнинг ташкилий-хуқуқий шакл-лари. Фармацевтик бизнесни ташкил этишда корхоналарни таъсис этиш тартиби.<br>Фармацевтика хизматини бошқаришда ахборот тизими. Фармацевтик ахборотнинг асосий |

| | | |
|---|---|---|
| | | тушунчалари ва шакллари. Фармацевтик ташкилотларни бошқаришда коммуникация. Бошқариш коммуникация-сининг моҳияти, турлари. |
| 4 | Фармацевтикада маркетинг тадқиқотлари | Маркетинг фанининг мохияти, вазифалари ва аҳамияти. Маркетинг тамойиллари, функциялари ва мақсадлари. Фармацевтика бозорида маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари. Фармацевтик маркетинг асосий объектлари Фармацевтик маркетинг модулининг асосий категориялари. Фармацевтик бозор муаммолари ечимини топишда маркетингнинг ўрни. Маркетинг коммуникациялари. Фармацевтика бозори истеъмолчилари, уларнинг таснифланиши, турлари ва тавсифи. Истеъмолчилар хатти-харакатларининг асосий тамоиллари ва омиллари. Сотиб олиш карорларини кабул килиш жараёни. Харидорларнинг ҳатти-ҳаракати моделлари. Маркетингнинг асосий категориялари - зарурат, эхтиёж, талаб, истеъмол. Фармацевтика махсулотларига бўлган талабнинг турлари. Талабнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Фармацевтика бозорида талабни шакллантириш ва сотувларни рағбатлантириш. Маркетинг дастурининг фармацевтика бозорида талабни шакллантириш ва сотувларни рагбатлантириш усуллари Талаб ва таклифни тартибга солишнинг бозор усуллари. Маркетинг тадқиқотларини режалаштириш жараёни. Фармацевтика бозорини ўрганиш, бозор хажми, улушлари. Маркетинг муҳити. Фармацевтика бозори истеъмолчиларини ўрганиш. Бозор конъюнкурасининг таҳлили. Фармацевтика корхонаси ва унинг маҳсулоти рақобатбардошлиги. Маркетинг тадқиқотининг муаммоси ва мақсадларини аниқлаш. Маркетинг тадқиқотининг режасини тузиш. Маркетинг тадқиқотларининг объект ва предметларини белгилаш. Маркетинг тадқиқотларининг кузатув усули. Тадқиқот воситалари. Анкета – сўровнома усули. Кабинет ва дала тадқиқотлари. Фокус гуруҳи асосида тадқиқот ўтказиш. Анкетани тузиш ва саволларини белгилаш. Дорихона ходимлари ва давоаш профилактика муассасалари ходимлари билан анкета сўровномасини ўтказиш. Маркетинг тадқиқотларини миқдор ва сифат характеристикаси. Маркетинг тадқиқотларида квалиметрик усулини қўллаш. Эксперт баҳолаш усули. Устуворликни аниқлаш усули. Гуруҳлаш усули. Дори воситалари рекламасининг ўзига хос хусусиятлари. Дори воситалари бозорида реклама турлари ва шакллари. "Директ-мейл" ва "паблик рилейшнз" тушунчаларининг моҳияти. |
| 5 | Фармакоиқтисодиёт | Фармакоиқтисодиёт фанига кириш. Фармакоиқтисодиёт мезонлари. Фармакоиқтисодиёт |

| | | |
|---|---|---|
| | | асослари ва унда фойдаланиладиган харажатлар мезонлари.<br>Харажатлар фармакоиқтисодий тоифа сифатида.<br>Харажатларни минималлаштириш таҳлили.<br>Харажатлар самарадорлик таҳлили. Харажатлар - фойдалилик таҳлили усули. Ҳаёт сифати кўрсаткичи<br>Харажатлар фойда таҳлили. Фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг сезувчанлик таҳлили. Касалланиш қиймати таҳлили.<br>Ўзбекистон Республикасида фармакологик назорат тизими.<br>Фармакоинформатика асослари.<br>Янги дори воситаларининг яратилиши ва тиббиётда қўлланилишининг фармакоиқтисодий асослари.<br>Фармакоиқтисодиётда математик моделлаштириш усуллари.<br>Фармакоиқтисодиётда математик моделлаштириш усулларидан фойдаланиш таҳлили.<br>Дори воситаларидан оқилона фойдаланишда ABC/VEN таҳлил усулининг аҳамияти.<br>Фармакоепидемиологиянинг асослари.<br>Соғлиқни сақлаш тизимида стандартлар тузишга фармакоиқтисодий ёндашиш.<br>Дори воситалари истеъмоли ва тиббий хизматда олиб борилаётган чора-тадбирларнинг таҳлили.<br>Давлат миллий дори воситалари сиёсати. Асосий дори воситалари рўйхатининг таҳлили.<br>Бюджет маблағларининг тақсимланишида асосий дори воситалари ва формуляр рўйхатининг таҳлили.<br>Аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг дори воситалари билан таъминланишини оптималлаштириш усуллари. |

## Асосий адабиётлар


1. Djalalov S.Ch., Djalalova D. X. Kran M, Xoch D. Farmakoekonomika. Uchebnoe posobiya. tashkent - 2020.
2. 2. Р.И. Ягудина, А.Ю. Куликов, В.Г. Серпик Фармакоекономика учебное пособие. Ростов на-Дону “Феникс” 2018.
3. Е.О. Трофимова Маркетинг в фармации. Методология исследовании фармацевтического рынка. Учебное пособия для ВУЗов Москва Юрайт 2020г.
4. Shane P. Desselle, David P. Sgarrck, Pharmacy Management: Essentials for all practice Settings. Second edition. New York: Mc GrawHill Medical. 2009. – P. 632.
5. Pharmacy Manegement, Leadership, Marketing and Finance, Edited by Marie A.Chisholm Burns, Pharm D, MPH,FCCP, FASHP. Jones and Bartlett Publisher Sudbury. Massachusetts, 2011. – P. 547.
6. Қосимова Д. С. Менежмент назарияси. Тошкент. “Тафаккур-бўстони”, 2011. 336-б.
7. Суюнов Н. Д. Фармацевтика ташкилотларида бошқарув тизими фанидан маърузалар тўплами: 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистратура мутахассислиги учун. – Тошкент, 2019. 634-б.
8. Умарова Ш.З., Хидоятова З.Ш., Зияева М.Н., Исламова М.З., Саидова М.Я. “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” фанидан ўқув қўлланма Тошкент 2016 й.
9. “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” фанидан дарслик Ш.З.Умарованинг тахрири остида 2019 йил 730 бет.
10. Тошмуҳамедов Э.Р., Зайнутдинов Х.С., Зияев Р.З, Ибрагимова М.Я., Зулфитдинова С.Ш., Тўхтаева А.М., Умарова Ш.З. “Фармацевтика иқтисодиёти”. Профессор Тошмуҳамедов Э.Р. таҳрири остида.-Т. “Иқтисод- Молия”, 2008.-340 б.
11. 2. Управление и экономика и фармации: учебник/ под ред.И.А.Наркевича.- М.: ГЭОТАР-Медиа, 2017.-928 с.
12. Ш.З.Умарова. Фармацевтикада бошқарув асослари. Тошкент. УзР Фанлар академияси "ФАН” нашриёти. 2015 йил, 360 б.
13. 2. “Управления и экономика фармации” учебник. Под редакцией профессора Наркевича, Москва, Издательская группа “ГЭОТАР-медиа” 2017 г.
14. 3. О.А. Васнецова “Медицинское и фармацевтическое товароведение” учебник. Издание третье, переработанное и дополненное. Москва- 2016г.


## *Қўшимча адабиётлар*

1. “Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, №341 15.12.2014 й
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ 4310 – сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида” ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февральдаги ПҚ-3532 –сонли “Фармацевтика тармоғининг жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
4. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўгрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўгрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўгрисида” Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори, рег. № МЮ 2196-2, Қабул қилинган сана 27.12.2017, Кучга кириш санаси 28.12.2017
5. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўгрисида”ги қонуни 1996 й 221-И- сон ўзгартириш киритилди 05.01.2018 й
6. "Аудиторлик тўгрисидаги қонун". Т, 26 май 2000 йил, ўзгартириш киритилди 16.01.2019
7. Ўзбекистон республикасининг меҳнат кодекси 21.12.1995 ўзгартириш киритилди 24.05.2019 й
8. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2.05.2012 ўзгартириш киритилди 21.03.2019 й
9. Носирова Д.Г., Соипова Д.Т. “Фармация фаолиятининг назорати ва аудит” Тошкент 2009. 101 б
8. Саипова Д.Т. Фармацевтик менежмент фанидан ўкув-услубий кўрсатмалар тўплами Тошкент 2011, 186 бет
9. Саипова Д.Т. Тексты лекций по предмету Фармацевтический менеджмент. Ташкент 2015.-235с.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5707 сонли Фармони “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”
11. Дрёмова Н.Б. “Маркетинг в фармации” Учебное пособие, Белгород – 2010г 272 с
12. Л. К. Аверченко “Управление персоналом в организации” Учебное пособие, Новосибирск – 2015г 196 стр
13. “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти” тўғрисидаги ЎзР қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Тошкент.- 2017.

14. Азизов И.К. Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг назорати. Тошкент.- 2011 й. 376 бет.
15. Брайан Трейси “Тайм-менеджмент” Москва .-2016 г.